



ахиротийаллатий илайҳа мунқолабий», деб айтар эдилар.

Маъноси: Бугун бизга офиятини буюк этган ва қуёшни чиқадиган тарафидан келтирган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Эй Раббим, тонг оттирдим ва ўзингга гувоҳлик берган нарсангга, фаришталаринг, аршингни кўтариб турувчилар ва бутун махлуқотлар гувоҳлик берган нарсаларга гувоҳлик берман. Албатта, Сен Аллоҳсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сен одиллик билан турувчи Зотсан. ал Азиз ва ал Ҳаким сифатли Зотдан бошқа илоҳ йўқ. Фаришталаринг ва илм эгалари шаҳодатларидан кейин менинг шаҳодатимни ҳам ёз. Эй Раббим, Сен ас Салом сифатли Зотсан. Салом Сендандир. Салом Сенга қайтажакдир. Эй улуғ ва ҳурматли Зот, Сендан дуоларимизнинг ижобат бўлишини, раҳбатларимизнинг ҳосил бўлишини ва махлуқларингнинг беҳожатлари қатори бизларни ҳам беҳожат қилишингни сўрайман. Эй Раббим, ишларимнинг поклагувчиси бўлган динимни ислоҳ қил, яшашим унда бўлган дунёимни ислоҳ қил ва қайтишим унга бўладиган охиратимни ҳам ислоҳ қил.)

***Ибн Сунний заиф иснод билан ривоят қилганлар.***